

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ МАМЛАКАТГА АЙЛанади



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли форум иштирокчилари! Азиз меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида учрашиб турганимдан бағоят хурсандман.

Албатта, Ўзбекистоннинг яқин дўстлари ва ишончли ҳамкорлари бўлган хорижий ҳукуматлар ва халқаро молия институтлари вакиллари ҳамда нуфузли компаниялар раҳбарлари билан ушбу форум доирасидаги учрашуларимиз барчамиз учун яхши анъанага айланиб бормоқда.

Сизларнинг меҳмондўст диёримизга ташрифингизни юртимизга ҳурмат ва ис-

лохотларимизга ишонч ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз! Хурматли форум иштирокчилари!

Ҳозирги вақтда халқаро майдонда давом этаётган мураккаб ва таҳликали жараёнлар, башорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришлар дунё иқтисодиётини жиддий синовдан ўтказётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ишончим комилки, бундай зиддиятли шароитда бугунги учрашувимиз икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, барчамиз учун янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилади.

Азиз дўстлар!

Ўтган йили бўлиб ўтган биринчи Халқаро инвестиция форумида янги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилиниб, кўплаб қелишувларга эришилди.

Бир йил ичида мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотларни жадал давом эттирдик. Жумладан, минтақамиздаги энг қулай фискал тизимни яратиш бўйича катта ўзгаришларга эришдик. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хабарингиз бор, илгари ушбу солиқ ставкаси 20 фоиз эди. Шунингдек, қўшилган

қиймат солиғини экспортчи корхоналарга 7 кун ичида қайтариш жорий қилингани, солиқ ва боғжонада ўзаро ҳисобга олиш йўлга қўйилгани тадбиркорларга жуда маъқул бўляпти. Шу пайтгача инвесторлар 2 та алоҳида тизим орасида сарсон эди.

Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди, улар учун фойда солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Муҳими – солиқ ва боғжона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик қоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.



ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ БОШЛАНДИ

Мамлакатга тўғридан-тўғри кириб келаётган инвестицияларга таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?

Бу ҳақда фикр юритганда шунини айтиш жоизки, инвестициялар оқими мамлакатда ишбилармонларга сиёсий, институционал шарт-шароитлар яратилгани, географик ҳамда геосиёсий жиҳатдан бошқа давлатлар билан қандай ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳамда макроиқтисодий барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ, десак, аини ҳақиқат. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда ишбилармонларга барча қулай шароит ва имкониятлар яратилган.

Кеча Халқаро конгресс марказида ўтказилган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида 20 мамлакатдан келган 2,5 мингга яқин бизнес ва молия соҳаси вакиллари ҳам буни яқдллик билан эътироф этишди.

Форумнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий, Венгрия иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь, Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунаян ва БМТ Бош котибининг ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи котиби Ольга Алгаерова билан учрашувлар ўтказди.



Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашувда янги ўрта муддатли шериклик дастури доирасида Банк гуруҳи билан кенг кўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қамраб олган ҳолда 1,3 миллиард доллардан ошгани мамнуният билан қайд этилди. Форум доирасида қишлоқ ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан умумий қиймати 400

миллион долларлик битимлар имзоланди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ва хусусий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, молиявий воситаларни такомиллаштириш, Банк тузилмаларини лойиҳа ишларига фаол жалб қилиш борасида аниқ лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, мамлакатимизнинг ЖСТга қўшилиши ва инновацион экотизимни яратиш масалаларида техник кўмакни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров билан учрашувда Ўзбекистон

томобилсозлик, энергетика, транспорт инфратузилмаси, пойтахтларда савдо уйлари

ни очиб бўйича кооперация лойиҳаларини тезлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий билан учрашувда Ўзбекистон – БАА кўп қиррали ҳамкорлиги доирасидаги лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар аввалида вазир ал-Мазруий давлатимиз раҳбарига Президент Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва Вице-президент, Бош вазир, Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саломини етказди.

Икки томонлама муносабатлар ривожининг бугунги юқори суръати катта мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги бир неча йилда товар айирбошлаш икки баробар ошди, 50 та янги корхона ташкил этилди, инвестиция лойиҳалари портфели 3 миллиард доллардан ордиди. Қўшма инвестиция компанияси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик кўриш ва уларни аниқ мазмун билан бойитиш мақсадидан Ўзбекистон етакчиси “яшил иқтисодиёт”, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма ва бошқа устувор йўналишларда истикболли

лойиҳаларни илгари суриш муҳимлигини таъкидлади.

Венгрия иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ва ҳудудлар даражасидаги кооперацияни тубдан кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқин ойларида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш, чуқурлашган саноат кооперацияси учун мўлжалланган тузилма шартларини тез фурсатда қилишиш ва фаолиятини бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, транспорт ва коммуникациялар, самарали молиявий воситаларни яратиш борасидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш ишларини тезлаштиришга қилиш олинди.

Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунаян билан учрашувда жорий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ва шерикликни тубдан кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг “яшил энергетика” тармоғи ривожига энг кўп сармоя киритаётган ушбу компания билан ҳамкорлик сермахсул бўлаётганини мамнуният билан қайд этди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ МАМЛАКАТГА АЙЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ташқи савдони эркинлаштириш бўйича навбатдаги муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона ҳудудида қайта ишлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

Ташқи савдо ва рақобат муҳитини янги босқичга олиб чиқиш, янги-янги бозорларга кириш мақсадида биз Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш бора-сидаги ишларимизни жадаллаштирдик.

Алоҳида таъкидлаб ўтқочиман, Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ислохотларимиз мазмунига тўла мос ва биз ушбу фузули ташкилотга тезроқ аъзо бўлиб киришдан манфаатдоримиз.

Хозирги вақтда аъзо мамлакатлар билан музокаралар олиб бориш ҳамда миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти қоидалари билан ўйғунлаштириш қизгин босқичда. Йил якунига қадар сезиларли натижаларга эришиш бўйича аниқ режалари олганимиз.

Ижро ҳоқимияти тизимида бюрократияни камайтириш, коррупцияни йўқ қилиш, ихчам, самарали бошқарувни жорий этиш мақсадида дадил маъмурий ислохотни бошладик.

Бу борада барча вазирликлар ислох қилиниб, уларнинг сони 61 тадан 28 гага келтирилди, вазифа ва ваколатлари аниқ белгиланди.

Шунингдек, давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилинди, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди.

Хозирги кунга қадар 132 та лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартибига ўтилди.

Энг муҳими — ушбу ислохот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг яхлит тизими жорий қилинди.

Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигида лойиҳа ташаббусидан бошлаб, то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнларда инвесторларга “ягона дарча” орқали қўмақлашиш йўлга қўйилди.

Инвесторлар фаолиятига оид масалаларни тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқоти-ни йўлга қўйиш мақсадида Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади.

Мен хорижий компаниялар вакиллари ва ишбилармонлар билан кўпроқ мулоқот қилишга интиламан. Сизларнинг ғоя, таклиф ва ташаббусларингиз менга куч-ғайрат беради, янги ислохотларга ундайди. Шу боис, янги-янги инвесторлар билан тез-тез учрашувлар ўтказишга, сизларнинг юртимиздаги ютуқларингизни шахсан қафолатлашга тайёроман.

Инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ҳам ислохотларимиз жадал давом этмоқда.

Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин содда-лаштирилди.

Инвесторлар ҳуқуқларини суд орқали қафолатли ҳимоя қилиш борасида катта қадамлар қўйилмоқда. Бу борада маъмурий судларнинг нуфузи оширилди ва уларга катта ваколатлар берилди. Бундан бўён тadbиркор ва инвесторлар суд-да ўз талабининг тўғрилигини исботлаш шарт эмас. Энди давлат идораси ўз қарорининг қонунчилигини исботлаб беришга мажбур бўлади. Юзага келган ҳар қандай ноаниқликлар эса инвесторлар фойдасига ҳал қилинади.

Қонунларимизда халқаро арбитраж судлари қарорларини мажбурий ижрога қаратиш механизмлари мустахкамлаб қўйилди.

Жорий йилда ҳам тadbиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ислохотларимиз давом эттирилади. Жумладан, халқаро экспертлар кўмагида тарихи-мизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилди.

Ислохотларимиз натижасида Ўзбеки-стоннинг минтақадаги иқтисодиёти энг юқори диверсификация қилинган мамлакат сифатидаги мақоми янада мустахкамланди.

Бир йилнинг ўзида 100 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилинди, киритилган хорижий сармояларнинг йиллик ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки ислохотлар бошланган 2017 йилга нисбатан 3 баробар ошди, 1 миллионга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга туширилди. Эслатиб ўтаман, ислохотлар бошланган даврда бу кўрсаткич 30 фоиздан юқори эди.

Албатта, бу ютуқларда сиз, ҳурматли ҳамкорларимизнинг ўрни бекиёс.

Охириги йилларда сизларнинг кўмагингиз билан мамлакатимизда минглаб замонавий корхоналар ташкил қилинди, йирик лойиҳалар амалга оширилди, юз минглаб юқори даромадли янги иш ўринлари яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай ютуқларга муносиб хисса қўшаётган барча хорижий ва маҳаллий инвесторларга, ҳамкор давлатлар ҳукуматларига, халқаро молия институтларига чукүр миннатдорлик ҳамда юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Муҳтарам меҳмонлар! Ислохотларимиз жадал давом этиши, юртимизда бизнес эмин-эркин ривожланиши учун янада мустахкам ҳуқуқий пойдевор керак.

Хабарингиз бор, яқин кунларда Янги Ўзбекистоннинг янгилаётган Конституцияси бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади.

Энг аввало, янги Конституциямизда Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани алоҳида белгиланмоқда. Барча ўзгартиришларнинг туб негизига “инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор” деган эзгу ғоя қўйилмоқда. Шунингдек, Конституциямизда илк бор қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, суд мустақиллиги бўйича давлат ўзига мажбуриятлар олмақда.

Ҳеч шубҳасиз, янги Конституция — биз бошлаган ислохотларни изчил давом эттириб, энг муҳими, уларга ортга қайтмайдиган тус бериши муқаррар.

Қадри дўстлар! Энди сизлар билан ҳамкорлигимизни кенгайтириш борасидаги янги имкониятларга тўхталсам.

Биринчидан, Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўлини қатъий давом эттириди.

Айниқса, “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren” каби жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари мамлакатимизда йирик қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзида 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттлик қувватлар ишга тушади.

“Яшил иқтисодиёт” бизга саноатнинг янги йўналишларини ҳам олиб келмоқ-

да. Қуёш панеллари, шамол турбиналари, инвертор ва бошқа электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этилмоқда. Бу — инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият, дегани.

Сизлари шу каби лойиҳаларни амалга оширишга таклиф қиламиз ва бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга тайёримиз.

Иккинчидан, яқин-яқингача иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари фақат давлат корхоналаридан иборат эди.

Ислохотларимиз натижасида олдинлари “ёпиқ” бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Биргина мисол, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Жумладан, 5 та хусусий авиакомпания ташкил этилгани, Самарқанд аэропорти ташқи бошқарувга берилгани ҳисобига парвозлар сони 2,5 баробар ошди.

Биз транспорт соҳасида рақобат муҳитини яратишга қаратилган ислохотларни давом эттирамиз. Бу йил Андижон, Наманган, Бухоро ва Ўрганч аэропортлари бошқарувини ҳам хусусий секторга топширамиз.

Темир йўл соҳасида ҳам катта ўзгаришларни бошлаяпмиз ва бунда инвесторлар фаол иштирок этишларини сўраб қоламан.

Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган IT, туризм, таълим, тиббиёт каби соҳаларда Ўзбекистон минтақадаги хабга айланиб бораётгани ҳам бу йўналишдаги катта имконият.

Ушбу режаларимизни амалга оширишда халқаро молия институтларининг кўмағига таянамиз. Мисол учун, Ислот тараққиёт банки бизга ишонч билдириб, давлат қафолатисиз 1,5 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича жадал ишлаяпти. Бунинг учун форумда иштирок этаётган банкнинг президенти Мухаммад бин Сулаймон ал-Жассир жанобларига алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Ўйлаймани, бу ҳамкорлигимиз узок йиллар давом этади ва ҳар икки томон учун манфаатли бўлади.

Умуман, бу йил давлат-хусусий шериклиқни жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар халқаро молия институтлари кўмағи-

да ишлаб чиқилди. Булар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олади ва улар бўйича ушбу форум доирасида сизларга аниқ лойиҳалар тақдим этилади.

Учинчидан, биз бу йил давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича “1 минг + 1 минг + 40” дастурини қабул қилдик.

Бу дегани 1 мингта корхонадаги давлат улушлари ҳамда яна 1 мингта давлатга тегишли кўчмас мулк объектлари очик аукцион савдоларига чиқарилади, иқтисодиётимиз учун стратегик аҳамиятга эга 40 та корхона IPO га олиб чиқилади. Жумладан, олтин, мис ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар, телеком муникация ва сугурта компаниялари ҳамда банклар акциялари инвесторларга таклиф этилади.

Тўртинчидан, биз индустриал ривожланишни янги босқичга олиб чиқишга устувор аҳамият берамиз.

Масалан, ҳозирги кунда тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, электр техникаси, машинасозлик тармоқлари етарли хомашё базаси ва ма-лакали кадрларга эга. Яъни, шу соҳаларда “катта сакраш” қилиб, улардаги ишлаб чиқариш ва экспортни 2 баробар ошириш учун етарли имкониятлар бор. Бунинг учун бизга йирик брендлар билан ҳамкорлик, ташқи бозорларга чиқиш, инновация ва замонавий технологиялар керак.

Буларни олиб келадиган инвесторларга биз барча шароитларни яратиш, алоҳида технопарк ҳамда саноат зоналари ташкил қилиш ва бошқа қўшимча имтиёزلарни яратиб беришга тайёримиз. Бу борада вазирларга топшириқ берганман. Улар сизларга форум сессияси давомида 160 та йирик ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни тақдимот қилад.

Бешинчидан, биз Марказий Осиёда яхши қўшнчилик сиёсатини давом эттириб, иқтисодий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича қўшни давлатлар билан фаол ишляпмиз.

Ушбу мақсадларда қўшма инвестиция фондларини ташкил қилиб, саноат, энергетика, транспорт ва сув ҳўжалиги соҳаларида йирик минтақавий лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Иқтисодиётларимизнинг “бир-бирини

тўлдириши” тамойили асосида саноат ва агро кооперацияларини қатъий давом эттирамиз.

Бугунги форумда қўшни Қирғиз Республикаси ҳукумати раҳбари Ақилбек Жапаровни қўриб турганимдан хурсан-дман. Биз учун қардош бўлган Қирғизистон билан ҳамкорлик натижасида сўнгги йилларда ўзаро товар айирбош-лаш ҳажми 5 баробар ва қўшма корхоналар сони 8 баробар ошди. Хусусан, тўқимачилик, автомобилсозлик, геоло-гия, кимё саноати, қишлоқ ва сув ҳўжа-лиги, чорвачилик каби йўналишларда биргаликда катта-катта лойиҳаларни бошладик.

Буларнинг барчаси 2021 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт жағмараси томонидан мо-лиялаштирилмоқда.

“Қамбарота ГЭС-1” ва “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қўриш лойиҳалари бўйича ҳам ишлар жа-дал давом этмоқда.

Шу ўринда минтақамиз давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни юксалтириш бўйича бу ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаётган қўшни давлатлар ҳукумат-лари вакиллари, йирик компаниялар раҳ-барлари ва тadbиркорларига алоҳида миннатдорлик билдираман!

Хурматли анжуман иштирокчилари! Сизларнинг бугунги форумда қатна-шаётганингиз ва мамлакатимизда биз-нес юритиш учун катта қизиқиш билан қараётганингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги форум барча-миз учун янги-янги имкониятларни очиб беради.

Ишончим комил, бўлиб ўтадиган му-лоқотлар орқали сизлар Янги Ўзбеки-стондаги бизнес учун бекиёс имконият-ларни кашф қиласизлар.

Сизлар ўзингиз истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур қафолатларни айнан биз-нинг юртимизда топасиз. Бунга мен Пре-зидент сифатида қафолат бераман. Янги Ўзбекистон Сизнинг бизнес фаолияти-гизда алоҳида ёрқин из қолдирадиган макон бўлиб хизмат қилад, деб ишо-наман.

Барчангизга келгуси фаолиятингиз-да омад ва улкан зафарлар ёр бўлсин! Форум ишида ўзаро манфаатли ке-лишувларга эришини талаб қоламан. Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бугунги кунда муқобил энергетика соҳасида 7,5 миллиард долларлик лойиҳа-лар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қуёш ва ша-мол электр станцияларини қуриш, “яшил водород” иш-лаб чиқариш бўйича янги лой-иҳалар фаол тайёрланмоқда. Сўхбат чоғида коопераци-яни янада чуқурлаштириш, биринчи навбатда инноваци-он лойиҳаларни, жумладан, Ўзбекистон — Саудия Ишби-лармонлар кенгаши доираси-да илгари суриш истиқболла-ри муҳокама қилинди.

БМТ Бош котибининг ўрин-босари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи ко-тиби Ольга Алгаерова билан учрашувда Барқарор ривож-ланиш мақсадларига тезкор эришиш борасида БМТ ин-ститутлари, шу жумладан, ЕИК билан кўп қиррали ҳамкорлик-ни ривожлантириш масалала-ри қўриб чиқилди.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун мустақ да-стур доирасида самарали ҳамкорлик қилинаётгани мам-нуният билан қайд этилди. Томонлар Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда “Яшил макон” дастурини, юк ташиш-ларни рақамлаштириш ва тўқимачилик саноати лойиҳа-ларини амалга ошириш маса-лаларида алмашинувларни давом эттиришдан манфаат-дор эканини таъкидлади.

Сўхбатда БМТ ЕИК билан устувор йўналишларда ҳам-корлиқни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ў.а

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ БОШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари хорижий ҳукуматлар ва халқаро молия институтлари ва-киллари ҳамда нуфузли компани-ялар раҳбарлари билан маъзүр форум доирасидаги мулоқотлар яхши анъанага айланиб бораёт-ганини мамнуният билан қайд этар экан, “Мен хорижий компани-ялар ва тadbиркорлар билан кўпроқ мулоқот қилишга интила-ман. Сизларнинг ғоя, таклиф ва ташаббусларингиз менга куч-ғай-рат беради, янги ислохотларга ун-дайди. Шу боис янги-янги инве-сторлар билан тез-тез учрашу-лар ўтказишга, сизларнинг юрти-миздаги ютуқларингизни шахсан қафолатлашга тайёрман”, деб таъкидлади.

Президентимиз ўз нутқида мамлакатимизда тadbиркорлиқни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган энгиллик ва қулай-ликлар ҳақида тўхталиб ўтди. Иқтисодиётни янада эркинлашти-риш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий қафолатларни мустахкам-лаш бўйича қилинаётган ишлар қайд этилди. Минтақамиздаги энг қулай фискал тизимини яратиш бўйича катта ўзгаришларга эри-шилди.

Энг муҳими, ушбу ислохот до-ирасида инвесторлар билан иш-лашнинг яхлит тизими жорий қилинди.

Бундай қулай имкониятлар ва қафолатлар ўз натижасини бер-моқда. Бир йилнинг ўзида мам-лакатимизда 100 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилин-ган. Киритилган хорижий сармо-ялар ҳажми 10 миллиард доллар-га етди ёки 2017 йилдагиға нисба-тан 3 баробар ошган.

Албатта, бу ютуқларда сиз, ҳурматли ҳамкорларимизнинг ўрни беқуёс. Охириги йилларда сизлар-нинг кўмагингиз билан мамлака-тимизда минглаб замонавий кор-хоналар ташкил қилинди, йирик лойиҳалар амалга оширилди, юз минглаб юқори даромадли янги иш ўринлари яратилди, — деди Президентимиз сўзини якунлар экан.

Анжуманда Қирғиз Республи-каси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Оқилбек Жапаров, Ис-лом тараққиёт банки президенти Мухаммад Сулаймон ал-Жассир, БМТ Бош котиби ўринбосари Оль-га Алгаерова, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инф-ратузилма вазирни Сўхил ал-Маз-руий, Венгриянинг иқтисодий та-раққиёт вазирни Мартон Надь, “ACWA Power” компанияси бош-қаруви раиси Мухаммад Абдулла Абунайян сўзга чиқиб, Ўзбеки-стонда олиб бораётган кенг қўламли ислохотлар ва мамлакат-га инвестиция киритиш истиқбол-

лари юзасидан ўз фикр-мулоҳа-заларини билдирдилар.

Жумладан, Ўзбекистонда жа-хоннинг энг нуфузли компания-лари қуёш ва шамол электр стан-циялари лойиҳалари амалга оши-рилаётгани, шу йилнинг ўзида 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттлик қу-ватлар ишга туширилиши юксак баҳоланди.

Жорий йилда “1 минг, 1 минг, 40” дастури қабул қилингани ва мингта корхонадаги давлат улуш-лари ҳамда яна давлатга тегишли мингта кўчмас мулк объекти очик аукцион савдоларига чиқарилиши, 40 та стратегик корхона “IPO”га олиб чиқилиши ҳақидаги янгилик-лар барча учун фойдали ва сама-рали. Шунингдек, Ўзбекистонда ин-весторлар учун ҳуқуқий қафолат, алоҳида технопарк ва саноат зо-налари, қўшимча имтиёзлар бериш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқила-тгани ҳам таъкидла лойқидир.

Ассосийи, буларнинг бари ин-весторлар учун қулайлик яратиш, иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган, пухта ўйланган исло-хотлар экани таъкидланди.

— Президент Шавкат Мирзи-ёев маърузасини тинглаб, Ўзбе-кистон хорижий инвесторлар учун қулай бизнес муҳити яратилган мамлакат эканига ишонч ҳосил қилдим, — дейди Миср Араб Рес-публикасининг “Хассан Аллам”

бир неча йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришлар ҳақида гапириб, уни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгиллаб берди.

Биринчи кун натижаларни шуни кўрсатдики, тад-бир мамлакатимизнинг халқаро алоқаларини мус-таҳкамлаш ва бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилиши, шу-бҳасиз. Хорижий экспертлар ва иштирокчилар фо-рум ҳақида ўз фикрларини билдирди.

росимиздаги нутқида таъкидлаганидек дунё иқтисодиёти хозирги вақтда халқаро май-донда давом этаётган мураккаб ҳамда тах-лиқли жараёнлар ва ўзгаришлар сабабли жиддий синовдан ўтмоқда.

Шу босидан ҳам ушбу сармоявий анжу-ман мамлакатлар ўртасида икки томонла-ма ва кўп қиррали ҳамкорлиқни мустақ-камлашга ҳамда янги бизнес имкониятла-рини кашф этишга ўзининг муносиб ҳис-сасини қўяди.

Маъзүр форум сўнгги йилларда Ўзбеки-стон ҳукумати томонидан олиб борилаёт-

ган кенг қўламли иқтисодий-ижтимоий ис-лохотлар, миллий иқтисодиётни либерал-лаштириш, монетар сиёсат, мамлакатинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) кириш бўйича олиб бораётган чора-тadbирларини форум иштирокчилари, қолаверса, халқаро ҳамжамиятта кенг таништириш учун муҳим платформа вазифасини бажаради.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлиш ва дав-лат тарихида илк бор Халқаро тижорат суди фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги сайй-ҳаракатлари нафақат Ўзбекистон иқтисо-

диётни учун, балки минтақа давлатларининг иқтисодиёти учун ҳам хорижий инвестор-ларни жалб қилиш нуктаи назаридан ижо-бий туртки бўлади.

Мен ҳам ушбу форумда 28 апрель куни “Ақли инвестициялар: иқтисодий ёшларни қўллаб-қувватлаш” мавзуда алоҳида маъ-рузам билан қатнашаман.

Ўзбекистонда қулай инвестициявий му-ҳит яратиш учун Президент томонидан хо-рижий инвесторларга шахсан қафолат бе-рилиши бу жуда ҳам катта аҳамиятга эга ва таъкидла лойқ бўлган омилдир.

Ишончим комилки, ушбу анжуман унинг иштирокчилари ва хорижий ҳамкорлар учун янги Ўзбекистонда бизнес юритиш борасида улкан имкониятлар эшикларини очди.

Питер MARFETC, “Seven Capital Partners” молиявий консалтинг фирмасининг бошқарувчи ҳамкори (Буюк Британия): — Шубҳасиз, кейинги йилларда Ўзбеки-стон иқтисодиётида хайратланарли ўзгариш-лар рўй берди. Президент Шавкат Мирзи-

ёев форумнинг очилишида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, қулай фискал тизим яра-тилди, ташқи савдо ҳам либераллаштирил-моқда, ижро ҳоқимияти ислох қилинмоқда, бюрократия қисқарилмоқда, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг интеграциялаш-ган тизими шакллантирилмоқда, инвестор-лар билан ишлаш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда очик иқтисо-дий сиёсат олиб бориляпти, халқаро ҳамжа-мият билан ўзаро манфаатли алоқаларни рив-ожлантириш ва чуқурлаштириш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда. Барча давлат-лар жаҳон бозорларидаги бекорорлик ва му-раккаб сиёсий тортишувларга дуч келаётган замонавий шароитда иқтисодиётларнинг ба-рқарор ўсиши ва рақобатбардошлигини яна-да таъминлаган ҳолда уларни тезда тиклаш учун самарали амалий ёчимлар зарур, деб ҳисоблайман.

Шу нуктаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг бугунги форумда эълон қил-ган ташаббуслари, назаримда, ўз вақтида илгари сўрилди ва улар бутун жаҳон иқтисо-дий кун тартибининг долзарблигини ўзида акс эттиради.

«Дунё» АА.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ КАФОЛАТИ



АСОСИЙ ҚОНУНИЙ ЎЗГАРТИРИШ ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ, ОДАМЛАР ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЮКСАЛТИРИШ ДЕМАКДИР

Вента КОЦЕРЕ, Латвия университети Академик кутубхонаси директори:

— Ўзбекистонда бўлиб ўтиши қўйлаётган Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича референдумга қўзғовчи сифатида таклиф этилганимдан буюн бу муҳим воқеани эъри иштиёқ билан кутяман. Чунки Асосий Қонуни ўзгартириш — бу мамлакатда ҳаётни ўзгартириш, жамиятни янгилаш, одамлар турмуш тарзини, фикрини, тафаккурини юксалтириш, дегани.



“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари расмий сайтида берилган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини ўқиб чиқдим. Амин бўлдимки, янгилаётган Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадриятлари олий қадрият ҳисобланадиган демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида устувор қоидалар, улкан мақсадлар белгилаб олинмоқда. Инсон ҳуқуқлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари янада мустаҳкамланиши учун барча шарт-шароит яратилимоқда.

Ўзбекистонда халқнинг маданий тараққиётига эътибор мисли қўрилмаган даражага кўтарилди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси боис кейинги йилларда юртингизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотлар натижасида Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи янада ошиб бормоқда. Жумладан, давлат раҳбарининг 2019 йил 21 октябрдаги Фармонида мувофиқ, 21 октябрь санаси Ўзбекистонда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланиши Ўзбек тилининг халқ ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларни ватанпарварлик, миллий аънава ва қадриятларга садоқат, улуг аждодларнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлашда янги даврни бошлаб берди.

Янгилаётган Асосий Қонунингизда ҳам Ўзбекистон Республикасининг давлат тили Ўзбек тили экани, Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавалари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши акс этаятгани кувонарлидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар Латвияда ҳам акс садо бераётганини кувонч билан таъкидлайман. Кутубхонамизда Ўзбек маданиятига доир экспонатлар билан бойитилган алоҳида марказ ташкил этилди. Бу ерда халқингизнинг қадриятлари, аънава ва урф-одатларига оид қўлаб буюмлар, хуна-

мандчилик ашёлари, Ўзбек тилидаги китоблар сақланмоқда.

Дунё халқлари ва миллатларининг маданий ўзаги ҳамда асосий мулоқот манбаи бу уларнинг миллий тили ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир тилининг сақланиши, келгуси авлодга безавол етказилиши халқ тараққиёти ва унинг келажагини белгилайди. Биргина тил қўлаб халқларни ўзаро бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, аънава ва маданиятларини сақлайди, уларнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди.

Шу маънода, зиё масканимизга Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчихонаси томонидан 5 жилдик “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” тўхфа этилганидан бошимиз кўкка етди. Мазкур тўплам Латвияда Ўзбек тилини ўрганувчилар учун ғоят қўл келмоқда. Зеро, бугунги кунда Ўзбек тилидан латин тилига ёки аксинча латин тилидан Ўзбек тилига ўчира оладиган таржимонлар етишмаяпти. Биз тилмочларнинг ёш авлодини тарбиялашга ҳаракат қилияптиз.

Муассасамиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги олий ўқув юртлари, маданият даргоҳлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Халқларимизнинг мутолаа маданиятини юксалтириш, ёшларни умуминсоний руҳда тарбиялаш — биргаликдаги асосий мақсадимиздир.

ДАВЛАТ ЎЗ ЗИММАСИГА МУҲИМ ИЖТИМОЙИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ОЛАЁТГАНИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА МОЛИК

Нина ЛИНДЕ, Латвия Фанлар академияси Иқтисодий институти директори:

— Ҳар бир давлат ривожланишининг ҳоқ иқтисодий, ҳоқ сиёсий бўлсин, тадриҳий босқичларидан ўтади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ана шундай фаол жараён кузатилмоқда. Бу давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан бўлаётган иқтисодий эътибор билан алоҳида эътиборга моликдир.

Иқтисодчи олим сифатида янгилаётган Ўзбекистондаги иқтисодий янгилаишларни доим қўзғатиб бораман. Кейинги йилларда давлатингиз томонидан миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, қўшма корхоналарни ишга тушириш борасида салмоқли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бу борадаги ислохотларда хусусий мулк дахлсизлиги кафолатлаши алоҳида эътиборга моликдир. Зеро, мамлакатда мазкур тартиб барқарор ишламаса, кишилар тадбиркорлик орқали мол-мулкни қўпайтиришдан қўрқад.

Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Конституциясининг 65-моддасида хусусий мулк дахлсизлиги белгилаб қўйилаётгани айни жиҳатдан ғоят аҳамиятlidir. Ушбу моддада мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Ўзбекистоннинг янгилаётган Асосий Қонунда нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижлик ишбилармонларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари аниқ, шикли тарзда ифодаланмоқда. Бу мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Масалан, янги тахрирдаги Конституциянинг 67-моддасига мувофиқ, давлат қоний инвестициявий иш билармонлик муҳитини таъминлайди. Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустакил равишда танлашга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатлиши кафолатланади. Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади.

Бундай тартиб иқтисодиётни бозор қонунлари асосида тартибга солиш жараёнида адолат, шаффофлик ва очиклиқни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Тадбиркорлар учун қўлай муҳит яратади. Хорижлик сармоядорларнинг ўз бизнеси истиқболга ишончини оширади. Зотан, инвестор хавфсиз инвестиция сиёсати юритилмаган мамлакатга сармоя олиб қирмайди.

Умуман олганда, Конституциянгиз 65-фойза янгилаётган экан.

Бунда давлат ўз зиммасига муҳим ижтимоий мажбуриятларни олаё-

тганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чораларини қўриши, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эътиёманд тоифаларининг ҳаёти сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга қаратилган чораларни қўриши кабилар мамлакатнинг халқпарвар сиёсат тарафдори эканидан далолатдир.

Аслида, Ўзбекистонда кейинги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ноёб тизими яратилди. Унга кўра, кам таъминланган оилалар, ижтимоий муҳтозага муҳтож хотин-қизлар, эътиёманд ёшларнинг энг долзарб муаммолари махсус дастурлар асосида самарали ҳал этилмоқда. Бу мазкур қатламнинг зарур масалаларига ечим топиш, уларни жамиятнинг фаол аъзоларига айлантиришга ҳисса қўшмоқда. Шу орқали жамиятда бирдамлик, ҳамжиҳатлик муҳити янада мустаҳкамланимоқда, эртанги кунга ишонч ошмоқда. Бу давлатни янада қудратли қилишига шубҳа йўқ.

Мамлакат Конституциясига киритилаётган ўзгартишлар бу борадаги ишларни янги шакл ва мазмун билан бойлатади. Шу маънода, ишонч билан айта оламки, Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни дунёдаги энг яхши конституциялардан бири бўлади.

МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН ЮРТГА АЙЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Сванте КОРНЕЛЛ, Хавфсизлик ва тараққиёт сиёсати институтининг ҳаммуассиси ва директори (Швеция):

— Конституциявий ислохотлар, асосан, мамлакат сиёсий ривожланишининг чуқур ички масаласи, унинг сиёсий тизими учун энг муҳим жиҳат. Аммо баъзида ички ўзгаришлар катта халқаро аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бунинг асослари бор: мустақиллик ва демократия. Ўзбекистондаги конституциявий ислохот мисолида қўрқамдиз.

Хўш, нима учун? Назаримда, бу бир-бирига боғлиқ иккита сабабга кўради. Биринчидан, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳолиси энг зич ва географик жойлашувига кўра стратегик давлат бўлиб, унинг барқарорлиги ва фаровонлиги минтақа ва ундан ташқарида жиддий сезилади. Иккинчидан, Ўзбекистон ҳукуматининг босқичма-босқич сиёсий эволюция ва ўзгаришларга бўлган эътиёби қандай бошқариш мамлакат барқарорлиги ҳамда фаровонлигини белгилайди.

Собик иттифок деб аталган ҳудудда бугунги кунда иккита жараёни қўриш мумкин. Биринчидан, хизматлар кўрсатиш, шаффофлик ва яхши бошқарув нуктаи назаридан ўз ҳукуматидан кўпроқ талаб қиладиган авлод ўсиб бормоқда. Иккинчидан, минтақанинг сиёсий тизимлари мазмунли ўзгаришларга жуда чидамлилигини исботлади. Бунинг сабаблари бор: мустақилликка ўтиш даврида сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятнинг бўлилаши ҳамда раҳбарларнинг сиёсий тизимни чет эл аралашувига етишини онгли тарзда истамаслиги. Натижада, биз қўлаб мамлакатларда ҳукуматлар сиёсий тизимини нотўғри бошқарган ва хавфсизлик ҳамда асосий бошқаруви таъминлиги олмаган ҳолда коррупциянинг кенг тарқалишига йўл қўйган гаёларни кўрдик. Бу Грузияда бор, Украинада икки, Қирғизистонда уч марта содир бўлди.

Инқилобий ўзгаришларнинг секинлигидан норози бўлганлар баъзи маҳаллий ва хорижий қўзғатувчилар томонидан оқийшланди. Минтақада баъзи хайрихоҳ одамлар инқилобий ўзгаришларни фаровонлик ва демократияга олиб келадиган йўл деб билишган. Афсуски, бундай бўлмади. 2011 йилги “араб баҳори”дан кейин араб дунёсида бўлгани каби Евроосиёда ҳам бундай умидлар пучга чиқди. Чунки янги ҳукуматлар халқ норозилигининг асосий манбаларини бартараф эта олмади ёки ундан ҳам катта беқарорлик ва можароларни келтириб чиқарди.

Инқилоблар ечим бўлмаса-да, ҳаракатсизлик ҳам ҳал қилувчи омил эмас. Аслида “қайиқни силкитиш”дан қўрқадиган ҳукуматларнинг ҳаракатсизлиги, улар қўишга ҳаракат қиладиган инқилобий сценарийга олиб келиши мумкин. Шунинг учун халқ қўлаб-қувватлашига эга бўлган жасур раҳбарлар томонидан бошқариладиган эволюцион ўзгаришлар бўлиши кўрак.

Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш бора-сидаги ташаббусларидан сўнг бу борада етакчилик қилди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг конституциявий ислохоти муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар мамлакатнинг ислохотлар кун тартибини давом эттириши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди. Мазкур жараёнда қийинчиликлар, албатта, бўлади. Ислохотлар ҳеч қачон осон бўлмаган. Ҳозирги Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда давлат шахсларга шунчалик кўп ҳуқуқлар, эркинликлар бермоқ-

Шу йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтадиган мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир, халқимиз хоҳиш-истагининг амалий ифодаси — “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум нафақат юртимиз, балки хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маълумки, Асосий Қонуннинг 65 фойз матни халқимиз тақлифлари асосида янгиланмоқда. Хусусан, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар уч ярим бараварга қўпаймоқда. Мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат сифатида Ўзбекистон “суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат” эканлиги ҳамда ушбу принципаал қоидаларни ўзгартириш мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилмоқда. Умуман, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробар ошмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг ижтимоий давлатга айланаётганини кўрсатади.

Эътиборли жиҳати, мазкур сиёсий жараён хориждаги экспертлар, таҳлил марказлари, олимлар томонидан ҳам қизғин қўзғатиб борилмоқда. Улар мамлакатимиз Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётганини қўллаб-қувватлаб, эътироф этмоқда.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари тахририяти мухбирлари Латвия, Швеция, Финляндия мамлакатларида бўлиб, Ўзбекистоннинг ушбу давлатлардаги дипломатик миссиялари ҳамда Халқаро Нордик университети кўмагида таҳлил марказлари, экспертлар ва иқтисодчи-олимларнинг фикрлари билан қизиқди.



даки, уларни амалга ошириш учун курашилади. Шундай экан, олдинга йўл бор. Ўзбекистон раҳбарияти босқичма-босқич, эволюцион тарзда мамлакатни янада яхши бошқариладиган барқарор ва фаровон юртга айлантириш йўлида дадил қадамлар ташламоқда.

ФАОЛ ҲАМДА КОНСТРУКТИВ АЛОҚАЛАР

Илкка РАЙСЕНЯН, Финляндиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон зами-нига илк қадам қўйганимдан бери бу мамлакатда амалга оширилаётган улкан ислохотларни диққат билан қўзғатиб бораман.

Юртингизда 2022 — 2026 йилларга мулкжалланган Хотин-қизлар таълимини қўлаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинганини, шунингдек, давлат томонидан субсидияланган кредитлар ва молиялаштириш орқали аёлларнинг таълим олиш имкониятлари оширилаётгани ҳамда қўлаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан хотин-қизларга хорижий олий таълим муассасаларида таълим олиш учун ҳар ўқув йилида қўшимча грантлар ажратилимоқда. Қолаверса, ҳар йили ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба хотин-қизларнинг таълим шартнома пуллари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилмоқда.

Умид қиламанки, бу борадаги ишлар Марказий Осиё минтақаси ва ундан ташқаридаги бошқа мамлакатлар учун ҳам намуна бўлади.

Умуман олганда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таълим ва маданият соҳасига қаратилаётган эътибор таҳсинга сазовор. Бу Ўзбекистоннинг бой маданий меросини асраб-авайлаш ва нафақат келажак авлодларингизга, балки барчамизга тарбия қилишда катта ёрдам беради.

Конституциявий референдумнинг аҳамиятига эътибор қаратган Финляндия ЕХТнинг фаол аъзоси сифатида Ўзбекистон ҳукумати тақлифига Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг узоқ муддатли қўзғатувчи гуруҳида иштирок этиш орқали жавоб берди. Биз ушбу йirik ислохотда халқнинг ўз сўзини айтиш имкониятини олқийлаймиз.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар ва Европа Иттифоқи аъзоси бўлган биз каби халқаро ҳамкорлар билан фаол ҳамда конструктив алоқаларини юқори баҳолаймиз. Европа Иттифоқи сезиларли даражада савдо ўсишини қайт этганилиги сабабли экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз ҳарбий мақсадларда ишлатилмаслиги керак.

ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР ҲАЁТИ БИЛАН БОҒЛИК МАСАЛАЛАР УСТУВОР

Петри РАЙВО, Карелия амалий фанлар университети президенти (Финляндия):

— Янги тахрирдаги Конституцияни қабул қилиш билан боғлиқ муҳим сиёсий жараённи катта қизиқиш билан қўзғатиб бормоқдам. Ўзбекистон халқи ўз тараққиётининг янги даврига ўтишда ниятда масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифа олдида турибди. Қувонарлики, юртингиз аҳолиси ушбу тарихий воқеаликка юксак эътибор билан қарамоқда.



Бунинг ўқилиши қўйлаётган референдумга турли интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар орқали билдирилаётган ижобий муносабатлардан яққол англаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси билан танишиб англадимки, ушбу тарихий ҳужжатда белгиланган нормалар жамиятнинг демократик янгилаш, очиклик ҳамда адолатни қарор топтириш ва бошқа жиҳатларга кўра жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари Конституциясидан асло қолишмайди.

Мени Асосий Қонунга киритилаётган таълим, илм-фан, маданият, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ўзгаришлар ва қўшимчалар, айниқса, жуда хурсанд қилди. Жумладан, янги тахрирдаги Асосий Қонуннинг 21-моддасида ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилаётгани ниятда муҳим. Бу ҳар бир кишига ўз шахсини эркин ривожлантириш, билим ва савиясини бойитиш, баъдий дидини юксалтириш, қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Мазкур ҳуқуқнинг белгила-ниши инсоннинг ўзини ўзи кашф этиши, иқтисодини ривожлантириши учун конституциявий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда айни йўналишда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги-дан-янги ўқув даргоҳлари очилаётгани, болаларни мактабга таълимга қамраб олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, маданият ва санъат, маънавият, китобхонлик тарбияотида алоҳида эътибор қаратилаётгани халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилаётди.

Янгилаётган Ўзбекистон Конституциясининг 50-моддасига мувофиқ, ҳар қим таълим олиш ҳуқуқига эгаллигининг белгиланиши, давлат узуқсиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, мактабга таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаш дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам мавжуд эмас. Жаҳоннинг айрим минтақаларида болаларнинг таълим олиши тугул, ҳатто хавфсиз ҳаёт кечириши ҳам кафолатланмаган. Шу маънода, Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Асосий Қонунда инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқларига оид белгиланаётган нормалар қўнчилик давлатлар учун ибрат олишга аризулмуқдир.

Мамлакатингизда умумий ўрта таълим мажбурий. Мактабга таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратида. Янгилаётган Конституцияга кўра, таълим ташкилотларида алоҳида таълим эътиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбиянинг ҳам таъминланиши, зарур шарт-шароитлар яратилиши эса мамлакатда инсон қадрини юксалтиришга қаратилган ислохотларни янги босқичга кўтаришига ишончимиз қоним.

Янги тахрирдаги Асосий Қонуннинг 51-моддасида фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат хусусидан олий маълумот олишга ҳақли экани белгилаб қўйилмоқда. Бу ёшларнинг олий маълумот олишга бўлган иштиёқини янада оширади, раббатни кучайтиради.

Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар юртингиз олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилишга интилишимизни кучайтирмоқда.

Карелия амалий фанлар университети Ўзбекистон олий таълим ташкилотлари, хусусан, Халқаро Нордик университети билан узоқ муддатли стратегик ҳамкорлиқни йўлга қўйди. Яқинда мамлакатингизга хизмат сафарига бўлиб қайтдим. Икки университет ўртасида битим имзоланди. Унга кўра, Халқаро Нордик университети талабалари бизнинг олий ўқув юртимизда ўқишни давом эттириб, билимларини янада мустаҳкамлаши, ўқитувчилар эса таърибга орттириши мумкин.

Финляндияда жуда яхши ривожланган таълим тизими мавжуд. Ҳукуматнинг фаолияти замонавий ахборот жамиятини яратишга қаратилган, шунинг учун ўқув муассасаларимизда таълим энг юқори жаҳон таълим стандартларига жавоб беради.

Карелия амалий фанлар университети ва Халқаро Нордик университети ўртасида иккита таълим йўналиши — Саноят менежменти ва Халқаро бизнес таълим йўналишлари бўйича қўшма дастур фаолияти йўлга қўйилди. Келгусида фин таълим таърибалари асосида ушбу йўналишларда маалаки мутахассислар тайёрлашни мақсад қилганмиз.

Фазлиддин АБИЛОВ, Диллод КАРИМОВ, («Халқ сўзи»).

Тошкент — Рига — Стокгольм — Хельсинки — Йозсуу — Тошкент

ЯНГИ МЕЪЁРЛАР МОҲИЯТИ АТРОФЛИЧА ТУШУНТИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Хоразм вилоятининг Урганч, Хива шаҳарлари ҳамда Янгйбозор, Хива ва Гурлан туманларида бўлди. Ташриф доирасида Сенат Раиси маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят фаоллари, маҳалла “бешлиги”, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, тадбиркорлар, талабалар, профессор-ўқитувчилар, нурунийлар ва аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқот

Мулоқотлар давомида янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган нормалар мазмун-моҳияти кенг тушултирилди ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳудудлар ривожига жамоатчилик вакилларининг ўрни, аҳолига яратилган шарт-шароитлар юзасидан фикр алмашилди.

Хусусан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва фаоллар, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабалари ва профессор-ўқитувчилари билан ўтказилган учрашувларда янгиланаётган Конституциянинг айрим нормалари, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ўқувчи-нинг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини юксалтириш ва боитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши, давлат ўқитувчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ҳам-хўрлик кўрсатиши белгилан кўйилган талаблар алоҳида урғуланди.

Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институтини тугатиш тўғрисидаги янги норма Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ҳамда ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидagi масъулиятини оширишга ва ҳудудларда аҳоли манфаатларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

АҲОЛИГА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси, шунингдек, оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиника ва маҳалла тиббиёт пунктларида аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишининг Тошкент вилоятидаги ҳолати кўриб чиқилди.

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорой Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияси раислари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, айни пайтда Тошкент вилоятида 2 миллион 992 минг 600 нафар доимий яшаётган аҳолига 22 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 91 та оилавий поликлиника, 67 та оилавий шифокорлик пункти ва 107 та маҳалла тиббиёт пункти хизмат кўрсатиб келмоқда. Вилоятда бирламчи тиббиёт муассасаларида 2206 нафар шифокор, 4606 нафар ўрта тиббиёт ходими ҳамда 1449 нафар кичик тиббиёт ходими фаолият олиб бормоқда.

Худудда хатловдан ўтказилган аҳолининг 892 минг 709 нафари 4 та хавф гуруҳига киритилган бўлиб, юқори хавф гуруҳидagiларни соғломлаштириш ишлари изчиллик билан олиб боришмоқда.

Бирламчи тиббий-санитария муассасалари сони 182 тадан 277 тага етказилди. Бунинг натижасида 832 минг нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрилди.

Худуддаги 872 минг 241 нафар 40 ёш ва ундан ошган аҳолининг 861 минг 268 нафари юқумли бўлмаган касалликлар, жумладан, эндокринологик ҳамда кардиологик хасталик-

ларни эрта аниқлашга қаратилган скрининг текширувларидан ўтказилган.

Ўтган йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож 489 нафар бемор технология операция қилинган бўлса, жорий йилда келишилган уч томонлама шартнома асосида 700 нафарга яқин кишиларда жарроҳлик амалиёти ўтказиб режаланган.

Тадбирда сенаторлар томонидан тиббиётнинг бирламчи бўлимини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатдан янги босқинга кўтариш борасида ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги ҳам тилга олинди. Жумладан, вилоятда бугунги кунда 301 нафар шифокор етишмаслиги, бирламчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техник ҳолати, тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, рақамлаштириш тизимини йўлга қўйиш борасида қатор камчиликлар борлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Янги ташкил этилган маҳалла тиббиёт пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш, оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктларида йўлга қўйилган тиббиёт бригадаларининг фаолиятини кучайтириш, улар томонидан сифатли индивидуал патронаж хизматини кўрсатиш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Мажлисда муҳомамадан ўтказилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БАРЧА МУЛК ШАКЛЛАРИ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг янгиланаётган Конституциясида бошқа соҳалар қаторида, рақобатдош миллий иқтисодиёт ҳамда хусусий тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқи кафолатларини мустаҳкамлаш ҳам кўзда тутилмоқда. Ҳозирги мулоҳазаларимиз аини шу хусусида. Лойиҳанинг 65-моддасида “Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратди, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”, деб белгилаб қўйилмоқдаки, бу соҳа ривожига гоятда муҳим. Яъни иқтисодиётда бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобига иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари таъминланади.

Фикр

Маълумки, 2022 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 888 трлн. 341 млрд. сўми ташкил этиб, 2021 йилдагига нисбатан 5,7 фоиз ўсди ва унинг ҳажми илк бор 80 млрд. доллардан ошди. Миллий иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзига 8 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспорт-имиз эса 19 млрд. долларга етди. Бу кўрсаткич 2018 йилда 14 млрд. доллар бўлган эди.

Ана шу вазиятдан келиб чиқиб, янги Конституциямизда давлат қулай инвестициялар ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши бўйича қандай қилиб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Сенат Раиси “Лола” давлат-хусусий шериклиги асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилоти, “Гуран спорт мажмуаси”, калава йишлаб чиқариш корхонаси ҳамда Урганч шаҳридаги хусусий клиника фаолияти билан танишиб, меҳнат жамоалари билан суҳбатлар ўтказди.

Мамлакатимизда саноатни ри-

вожлантиришга зарур шароит яратиш мақсадида сўнгги беш йилда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зоналари ташкил этилди, уларнинг инфратузилмасига 10 трлн. сўм йўналтирилди. Айни чоғда тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқларни драйверга айлантириш учун 3 млрд. долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Саноатни хомашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари уч - баробар кўпайтирилиб, 600 тадан зиёд янги конлар аниқланди. Натижада охириг беш йилда саноат корхоналари сони икки баробар кўпайиб, 100 мингтага етди, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар кўпайди.

Табиийки, бу ҳудудлар ривожига ижобий таъсир қилмоқда. Масалан, Жиззахда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноати каби янги тармоқлар пайдо бўлди. Биргина қурилиш материаллари бўйича 220 та лойиҳа ишга туширилиб, вилоят саноатида бу соҳанинг улуши 20 фоиздан ошди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ЭИЗ фаолиятини тартибга солидиган қонунчилик базаси яратилган ва хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этишга қаратилган солиқ ва боғжона имтиёзлари, инфратузилма тизими шакллантирилган. Масалан, 2020 йилда “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ЭИЗни яратиш, фаолият кўрсатишнинг муддатини узайтириш ва тугатиш ҳамда уларни бошқариш тизими тартибтаомиллари такомиллаштирилди.

Эндиликда ана шу кафолатлар Асосий Қонунимизда ҳам ўз инфо-дасини топаётгани эътиборга молик. Хусусан, Конституция лойиҳаси 67-моддасида: “Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди.

Тадбиркорлар қонунчилиқка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақиқи”, деб белгилаб қўйилмоқда.

Мазкур норма хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида давлат қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олишини билдиради.

Юртимизда яратилаётган қулай бизнес муҳити туфайли сўнгги йилларда чет эл корхоналари 5 мингтадан 16 мингтага кўпайди. Хар бир туман ва шаҳарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди. Бу суръатни изчил давом эттирган ҳолда, 2023 йилда қарийб 11 млрд. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалашилган. Ҳудудларда 23 млрд. долларлик 12 мингта янги лойиҳа, жумладан, 3 мингдан зиёд саноат лойиҳалари ишга туширилиши белгиланган.

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР ҲУЖЖАТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти ва бир гуруҳ депутатлар Тошкент шаҳрида маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхонаси меҳнат жамоаси, жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг моҳияти, унга киритилаётган янги нормаларнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берди.

Учрашув

Шунингдек, демократиянинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланган, давлат ва жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишда халқнинг бевосита иштирокини ифодалайдиган референдумнинг аҳамияти ҳақида фикрлар билдирди.

Учрашув ҳамда мулоқотларда аҳоли янгиланаётган Конституция фуқароларининг фаровон яшашига, давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши, халқимизнинг ҳоҳиш-иродаси, берган тақлифлари ақс этгани, ислохотларнинг туб моҳияти, мазмунини сингдирилганини таъкидлади.

Чуноки улар Бош қомусимизда ўзларининг келажакларини кўришмоқда. Референдум эртамизини белгилайди, халқимиз унинг аҳамиятини тушуниб етмоқда. Ўйлайманки, маҳалла-ми ахли референдумда фаол иштирок этади.

Саодат ҚИМҚАТОВА, “Шарқ юлдузи” МФЙнинг хотин-қизлар фаоли:

— Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг фаровон ва бахтли турмуш кечириши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

Хусусан, хотин-қизлар илгари сурган гоя ва ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, уларнинг эзгу орзу-интилишлари рўёбга чиқмоқда.

Янгиланаётган Бош қомусимизда ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мустаҳкамланганлиги уларнинг жамият ҳаётида фаол бўлишига хизмат қилади, деб ишонаман.

Тўтинисо АБДУРАҲМОНОВА, “Шарқ юлдузи” МФЙнинг ҳоким ёрдамчиси:

— Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни

қисқартириш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланган.

Аҳоли билан мулоқотлар жараёнида ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шароити оғир оилаларни аниқлаб, уларга ўқиш, ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидиялар ажратилишида доимий равишда кўмак бериб келяпмиз.

Натижада, маҳалламизда тадбиркорлик ривожланипти, иш ўринлари очилляпти, оилалар даромади эса осяпти. Юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлардан аҳоли жуда хурсанд.

Носир ЖўРАЕВ, меҳнат фахрийси:

— Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини, давлатнинг ғамхўрлигини фуқаролар ўз ҳаётида сезмоқда. Ёрдамга эҳтиёжманд бирорта одам эътиборсиз қолмаяпти.

Янгиланаётган Конституцияда ҳам Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлиги алоҳида белгиланмоқда. Бош қомусимизга киритилган ҳамда янгилик хаммаимизнинг келгуси тақдиримиз учун жуда муҳим. Шу боис оила аъзоларимиз, яқинларимиз билан референдумда фаол иштирок эташимиз.

«Халқ сўзи».



Шу ва яна қатор мақсадларда Конституциямиз Жаҳон савдо ташкилоти стандартлари ва талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги ҳамда товарлар, хизматлар, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг эркин ҳаракатланишини кафолатлайдиган норма билан тўлдирилаётганлигини ҳам алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Қолаверса, монопол фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши кўзда тутилмоқда.

Монополистик фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши бўйича норма Конституцияга киритилиши товар ва хизматлар бозорининг бarcha иштирокчиси учун тенг иқтисодий-ҳуқуқий имкониятлар яратиш орқали тадбиркорлар ўртасида ҳалол рақобатни ривожлантиришга ҳамда ишлаб чиқаришга янгиликларни тезкор жорий этиш орқали самарадорликни кўтаришга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда ушбу йўналишда катта ишлар бажарилдики, уларнинг ҳаммасини яна эслаб ўтишнинг мавриди эмас. Аммо мазкур йўналишдаги бир жиҳатга эътибор қаратиш зарурати бор. Гап шундаки, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, туман ва шаҳарларни уларнинг шароити, салоҳияти ва имкониятидан келиб

чиқиб ривожлантириш бўйича янги ёндашувлар жорий этилаётир. Бу борада Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

Фармонга кўра, 2023 йил 1 январдан республиканинг 208 та туман ва шаҳарлари 5 та тоифага ажратилди. Уларнинг тоифасидан келиб чиқиб, тадбиркорларга солиқ имтиёзлари, субсидиялар берилди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу қондалар рақобатни таъминлаш ва тегишли товар ҳамда хизматлар бозорларида тадбиркорлар учун тенг иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлар яратди.

Шу янгиланишлар асосида Конституциямизда давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоялаш ва камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши ҳам мустаҳкамлаб қўйилляпти.

Умуман, янгиланаётган Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишининг таъминланиши қатъий белгиланмоқда. Бу эса, албатта, фуқаролар фаровонлигини оширишга йўналтирилган мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланиши, мулкдорлар қатламининг кенгайишига замин яратди. Зотан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан қўзғалган асосий мақсад ҳам аслида шу.

Эркин ГАДЮЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

Бир модда шарҳи

СЎЗ ВА ФИКР ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Сўнгги олти йилда республикаимизда сўз эркинлигини таъминлаш, эркин фикр юритиш учун ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш, давлат идораларининг очиқлигини ошириш, блогерлик мавқеини кўтариш, барча тоифадаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимлари муҳофазаси борасида улкан ишлар қилинди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ОАВнинг оммалашishiга, халқ орасида ҳурмат қозонган ҳолда, амалда тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилишига олиб келмоқда.



Бугунги кунда ахборот жамият тараққиётининг бош омилли сифатида намойиш бўлаётганини ҳаммамиз кўриб, сезиб турибмиз. 2016 йилда Ўзбекистонда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони 12,1 миллион нафар бўлган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 32 миллиондан ошди. Шунингдек, мамлакатимизда Интернет интернет тармоғи билан қамрови эса 2016 йилдаги 28 фоиздан 2022 йилда 98 фоизга етган.

Интернетда ҳар қандай инсон ахборотни яратиб-бошқариш имкониятига эга, десак, муболаға эмас. Чунки интерфаол электрон медиалар туркумида порталлар, сайтлар, блоглар ва ижтимоий тармоқлар ўрнатилиши мумкин. Бунда барчамиз масъулиятимизни англамас, оқни қорадан, ҳақиқатни фейкдан, далилни провокациядан ажрата олсаккина, муаммога тизимли ечим топган бўламиз.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 33-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги, ҳар кимда исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи борлиги, давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиши таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилганлиги алоҳида диққатга сазовордир.

Зеро, мазкур ҳуқуқ ва чекловларни рақамлаштириш асрида демократик, ҳуқуқий ва адолатли жамият қураётган барча давлатлар учун зарурдир. Уларни Конституцияда мустаҳкамлаб фуқароларимизнинг ҳуқуқлари амалга ошиши, уларнинг ҳимояси ва ҳавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Умид ЖАБОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР СИР ТУТИЛАДИ

Халқимизда ҳар қандай катта ишни бошлашдан олдин кўпчилик билан маслаҳат қилинади, фикр алмашилади. Шу боис янгиланаётган Конституция лойиҳаси ҳам халқимиз, фуқаролик жамияти институти вакиллари, хориждаги ватандошларимиз, умуман, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз тақлифлари асосида шакллантирилди.

Бир модда шарҳи

Янги таҳрирдаги Конституциядаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Яъни Асосий Қонунимиз матни қарийб 65 фоизга ортди ва халқимиз тақлифлари асосида янгиланди. Муҳими, билдирилган тақлифларда халқимизнинг чин маънода хоҳиш-иродаси ақс этганидир.

Бош қомусимизда аҳолининг барча қатлами манфаатлари жо бўлган тақлиф ва тавсиялари инобатга олинган. У асосий йўналиш, тамойил сифатида ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олади.

Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 31-моддасида ҳар бир инсон

шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қиммати-ни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланмоқда.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, ҳар ким ёзишмалари, теле-фон орқали сўзлашувлари, почта, электрон хатлари ҳамда бошқа ҳабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Сир эмаски, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ривожланиши ва тобора ҳаётимизга кўпроқ кириб келиши билан шахсга доир маълумотларнинг ҳам оммага ошкор



этилиши, сир бўлмай қолиши эҳтимоли кучайди.

Биз кўп ҳолларда шахснинг розилигисиз унинг фақат ўзига доир маълумотларидан, уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон ёки қўро қўринишидаги, моддий жиҳмда қайд этилган ахборотдан, жумладан, паспорт маълумотлари, суратлари ва ҳоказолардан фойдаланиш ҳолатларига ҳам дуч келамиз.

Ёки фуқаролар томонидан ўзаро ёзишмаларнинг, телефон суҳбатларининг иккинчи томон розилигисиз оммага эълон қилиниши ҳолатлари

учраб туради. Эндиликда буларнинг барчаси қонун доирасида амалга оширилади.

Бугун ахборот тизимизда ҳар бир фуқаронинг шахсга доир маълумотлари базаси мавжуд. Ушбу маълумотларни ҳаммага маълум қилиш фақатгина шахснинг розилиги билан амалга оширилади. Агар шахсга доир маълумотларини белгиланган мақсадлардан ташқари ҳолда йиғиш ва тарқатиш ҳолатлари ўз берса, бу қонунчилик билан жавобгарликка тортилади.

Мамлакатимизда 2019 йилда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Лекин бугунги кунда жаҳон ахборот тармоғининг ривожланиши ва деярли ҳар бир соҳага кириб келиши, ахборот тарқалиши жараёнининг тезлашиши ва ижтимоий ҳавфини эътиборга олиб, бу норма Бош қомусимизга киритилмоқда.

Демак, шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва бут сақланиши, махфийлиги, уларга қонунга ҳилоф равишда ишлов берилишининг олдини олиш мақсадида ушбу норма Конституция даражасида мус-

таҳкамланмоқда. Ҳеч шубҳасиз, Конституциянинг ушбу моддаси инсонларни ана шундай шахсий ҳаётга таъжовубдан давлат ҳимоя қилишини кафолатлайди.

Ҳозир биз шахснинг барча ҳуқуқи қаторида шахсига доир маълумотларнинг ошкор этилишини ҳимояловчи, унинг қадр-қимматини сақловчи, сўз ва эътиқод эркинлигини, фикр эркинлигини ҳимояловчи, ахборот излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларининг тўла кафолатланган бўлишини таъминловчи янги Конституцияни қабул қилиш арафасида турибмиз.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги Конституциянинг туб моҳиятида “инсон — жамият — давлат” деган тамойил илгари сурилган. Юқоридаги ҳуқуқларнинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши инсон қадр-қиммати, шахсий ҳаёт дахлсизлигининг мустаҳкам кафолатидир.

Гулбаҳор САИДГАНИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АҚЛНИ ПУЛГА, АНЪАНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА АЙЛАНТИРИШ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши ўта долзарб масалалардан биридир. Бировлар яратган ихтиролардан назар-писанд қил-май фойдаланиш ҳолатлари тез-тез учрайди.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, мазкур соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Айниқса, дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизини ташкил этади.

Нуктаи назар

Ўзбекистондачи? Афсуски, ўтган йил-ларда интеллектуал мулк масаласи бироз эътибордан четда қолди. Шу боис баъзи ихтирочи олим ва ижодкорлари-миз хорижга чиқиб кетди. Илмий инсти-туларимиз инновациялар, тармоқлар эса харидордир ишланма ва брендлар ярата олгани йўқ. Бундан кўринадикки, соҳада қилинадиган ишлар кўп, олиму изланув-чиларимиз олдида қўллаб масъулиятни вазифалар турибди.

Тўғри, Ўзбекистон ҳам интеллектуал мулк қонунчилик базасида катта босқ-ични босиб ўтди. Истиклол йилларида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида қатор давлатларро, ҳукумат-ларро ва идораларро шартнома ҳамда битимлар тузилиб, амал қилмоқда. Бу-лардан ташқари, тўғридан-тўғри ишлай-диган қонулар, Адлия вазирлигидида рўйхатдан ўтказилган умуммажбурий ха-рактердаги қўллаб ҳужжатлар рўйхатга олинган. Соҳадаги сўнгги ўзгариш ва янгиликларни қонунчиликка татибқ этиш мақсадидида 2020 йил 5 октябрда “Ўзе-бикстон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Убу ҳужжат билан Фуқаролик ва Божхона кодекслари, “Товар белги-лари, хизмат кўрсатиш белгилари ва то-вар келиб чиққан жой номлари тўғриси-да”ги, “Ихтиролар, фойдала моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Се-лекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Инте-рал микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Электрон қисошлаб машиналари учун яратилган дастурлар ҳамда маълум-отлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунларнинг интеллекту-ал мулк соҳасини тартибга солувчи бан-дларига ўзгариш ва қўшимчалар кири-тилди.

Тараққий топган мамлакатларда ин-сон капиталидан самарали фойдаланиш, яратилган интеллектуал мулк объекта-ларини тижоратлаштириш жараёнига кенг жорий этиш ва интеллектуал мулк соҳа-сини иқтисодиётнинг энг ривожланган тар-моқларидан бирига айлантириш иқтисо-



дий юксалишининг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Махсулотни қадоқлашда муваффақиятли ишлатилган битта товар белгиси йирик компания, ҳатто булун дав-латнинг имижини намойиш этишга қодир. Бунга “Rolex”, “Nike”, “Adidas”, “Apple”, “Toyota”, “Mercedes Benz” каби машҳур брендлар яққол мисол бўла олади.

Кўп ҳолатларда Сингапур, Жанубий Корея ёки Япония каби илгор мамла-катларнинг иқтисодий ривожланиши ҳақида гап кетганда, тасаввуримизда дарҳол инновацион иқтисодиёт пайдо бўлади. Бу, албатта, беҳиз эмас. Чун-ки мазкур давлатларда инновация ин-теллектуал мулк объектарини яратиш-ни рағбатлантирадиган ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган фун-даментал асос ҳисобланади. Айниқса, дунё меқёсидида кузатилаётган табиий ресурсларнинг танқислиги шароитида интеллектуал мулк стратегиясини қўллаш масаласи иқтисодиёти танг аҳволда бўлган мамлакатлар учун яго-на ва асосий ечимдир.

Шу ўринда жаҳонда ихтиро ва каш-фёитларни патентлаш тизимининг қис-қа тариҳига кўз югуртириб қайтилик. Мазкур тизим илк бора Англияда XVII асрдан бошлаб амал қила бошлаган. 1624 йилдан бошлаб қирол томонидан импорт технологияга асосланган сано-ат маҳсулотларини ишлаб чиқариш би-лан шуғулланувчи шахсларга алоҳида имтиёзлар — патентлар бериш белги-

ланган. Бундай янги технологияни қўллаётган шахслар уни ўзлаштириш учун кетадиган узок муддат давомида бу тех-нологиядан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўлган. Мутлақ ҳуқуқ на-тижасида патент соҳиб янги маҳсулот ишлаб чиқаргани учун рағбатлантириш мақсадларидида рақобат курашида баъзи имтиёзлардан ҳам фойдаланган. Уша вақтлардан буён патент тизими кўп жи-хатлардан тақомиллаштирилиб, янги са-ноат маҳсулотлари яратиш ва техноло-гияни бошқаларга тақдим этиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий восита сифатида шакллантирил-ди. Муаллифлик ҳуқуқи эса китоб бо-сишинг ихтиро қилиниши билан вужуд-га келди. XVII аср охиридада Англияда қиролична Анна статутларида илк бора асар муаллифининг мутлақ ҳуқуқлари му-стақамлаб қўйилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эриш-ган, илмий ва ижодий фаолият, жумла-дан, ихтирочилик фаолияти анча фол-лашди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекис-тонда Интеллектуал мулк агентлиги (ИМА) томонидан 22 мингдан зиёд то-вар белгилари, 10 минг ихтиро, ЭҲМ учун 3,5 минг дастур ва маълумотлар базалари, 2,4 мингта саноат намунаси, мингта фойдала модель давлат рўйха-тидан ўтказилган. Аммо уларнинг қўлла-нилиш миқдори ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бу тизимда соҳаларо интеграция яхши йўлга қўйилмаганидан дараж беради.

Жаҳонда жами 8 миллион патент рўйхатга олинган бўлса (4 миллиони АҚ-Шга тегишли), ҳар йили яна 600 — 700 минг патент қўшилиб бормоқда. Ихти-рочилик даромадли бизнес бўлиб, патен-тлар ва “ноу-хау”лар бўйича лицензия ажратмаларини умумий суммаси йилги-га 250 миллиард долларни ташкил эта-ди. Агар ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбекистонликлар ихтироларига йилга ўртача 2 170 тадан талабнома топшир-ган бўлса, 2020 йилда мазкур кўрсаткич 400 тага тушиб кетди. Яъни ихтирочилик фаолияти суръати 5,5 марта пасайиб кет-ди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакат-ларида аҳоли ихтирочилик фаолигининг энг юқори коэффиценти 2011 — 2015 йилларда Япония, Корея Республикаси,

АҚШ, Германия, Финляндия, Дания, Буюк Британия, Россияда кузатилди. Ўзбекис-тонда ушбу кўрсаткич 0,09-0,21 талабно-мани ташкил этган.

Бугунги кунда интеллектуал мулк ҳамда инновация республика миллий иқтисодиётини ривожлантириш учун сув ва ҳавода зарур соҳаларга айланган. Бу икки эгизак тизимни бир-бирининг иштирокисис тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо, шу билан бирга, иккала тизим инфратузилмаси, интеллектуал мулк бо-зори юртимизда ҳали шаклланмаганини ҳам тан олиш зарур. Охириги олти йилда давлатимиз томонидан илм, фан, маъ-рифат аҳлига, ҳусусан, истеъдодли олим-ларга грантлар, иқтисодий кўмаклар бе-рилаётгани ижобий ҳодиса, албатта. Ма-сала нега бунчалик жиддий? Гап шун-даки, биринчидан, биз дунё юрган иқти-содий йўлдан қадам ташлар эканмиз, илм-фан, билим, инновацияга доир му-аммоларни кўз олдимизга келтиришим-из, ундан ҳўчимаслигимиз лозим.

Шу нуктаи назардан, янги тахрирда-ни Конституциянинг 53-моддасида хар қимга илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фой-даланиш ҳуқуқий кафолатланиши, интел-лектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилганди. Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техни-кавий ривожланиши ҳақида гамҳўрлик қўлади.

Инсон томонидан яратиладиган ижо-дий ақлий фаолият махсули ҳисоблан-ган интеллектуал мулк аслида иқтисо-диёт ривожланишининг тарихий қисмла-ридан биридир. Иқтисодиётни тараққий топган мамлакатларнинг деярли барча-сида интеллектуал мулк ривожига катта эътибор қаратилгани сабабли уларнинг инвестициявий жозибадорлиги яхшилан-ган, интеллектуал мулкнинг ички ялпи махсулотдаги улуши кескин ортган. За-монавий дунёда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамият-га эга. Чунки номоддий активлар улуши 1975 йилда 17 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 90 фоизга кўтари-либ, уларнинг тахминий қиймати 21 трил-лион АҚШ долларига етган. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти таҳлилла-рига кўра, 2019 йилда 17 та давлат ма-

шхур қаҳрамонлар ва ўқув-илмий ада-биётлардан фойдаланиш учун лицензия олиш натижасида 64,1 млрд. доллар фой-да кўрган. Яна бир мисол: 2017 йилда АҚШнинг ЯИМга муаллифлик ҳуқуқлари орқали келган даромад 2,2 трлн. дол-ларни ташкил қилган. Бу — АҚШ ЯИМ-нинг 12 фоизига тенг.

Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулк-ка нисбатан қиймат сифатида қараш шаклланиши зарур. Ҳозир юртимизда ин-теллектуал мулк иқтисодиётда қанча фо-изни ташкил этиши, муаллифлар қанча даромад олаётгани ҳақида статистик маълумотлар юритилмайди. Интеллекту-ал мулк соҳасини янада тақомиллашти-риш, жумладан, тадбиркорлик ва инно-вацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишонч-ли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мам-лакатимизнинг халқро майдондаги ими-жини янада яхшилашга хизмат қўлади. Ушбу ҳуқуқни конституциявий даражада эътироф этмасдан туриб эса самарали иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъ-минлаш қийин.

Амалдаги Конституциянинг 42-мод-дасида фуқароларнинг ижод эркинлиги ўз ифодасини топган, аммо янги махсу-лот ёки ишланма яратган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи очик қолган. Яъни амалдаги Конституция ин-теллектуал мулкни алоҳида эътироф эт-майди, инсоннинг ижод ва инноваци-он фаолиятини ҳимоя қилишни етарли даражада қафолатламайди. 36-моддасида ҳар ким мулкдор бўлишга ҳақли эканли-ги мустаҳкамланган. Бирок интеллекту-ал мулк алоҳида кўрсатиб ўтилмаган. Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни Асо-сий Қонуида белгилаш интеллектуал мулк-нинг оддий мулк қатори тан олиниши-га, уни даромад келтирадиган манба сиф-атида кўриб чиқишга имкон беради.

Интеллектуал мулк ҳимояси Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликнинг ҳам му-ҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларро савдо қондаларини бо-шқариб турувчи ягона халқро ташкилот бўлган ЖСТга аъзо бўлиш жараёни 8 — 15 йилни ташкил этади. Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш учун 1995 йилда ари-за топширган бўлса ҳам бу борадаги ижобий сиғишлар 2017 йилдан кейин-гина кузатила бошланди. ЖСТга аъзо-лик Ўзбекистон иқтисодиёти учун катта фойда келтиради. Сабаби, мазкур таш-килот халқро тижорат учун чексиз им-кониятлар эшигини очиб беради. Шу са-бабли, интеллектуал мулкнинг қонун би-лан муҳофаза қилиниши янги тахрирда-ни Конституциямизда акс этиши ЖСТ аъзолиги сари ташланган навбатдаги дадил қадамлардан биридир. Қолавер-са, бу истикболли соҳа ақлни пулга ҳамда анъанавий иқтисодиётни рақамли иқтисодиётга айлантириш пойдевори бўлиб хизмат қўлади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъйидлаганидек, интеллектуал мулк ҳимоясини мустаҳкамлай олсак, бу ҳам учинчи Ренессансга ишончли пой-девор бўлади.

Баҳоҳидиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фаргона давлат университети
ректори,
педагогика фанлари доктори,
профессор.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ – ИНСОНПАРВАР ДАВЛАТ, ДЕМАКДИР

Бугун мамлакатимизда таълим соҳа-сида олиб борилаётган ишлар, таъ-лимнинг барча босқичини модернизаци-ция қилиш, ёшларга сифатли билим бериш ва замонавий касб-хўнарга ўргатиш борасидаги амалий ҳаракат-лар ўзининг дастлабки натижаларини кўрсатмоқда.

Муносабат

Тез суръатлар билан ўзгариб бораётган бугунги кунда барча соҳалар каби таълим қоуқибди ҳам мавжуд меъёрий ҳужжатларни тақомиллаштиришга эҳтиёж ортмоқда.

Давлатнинг эртанги кун ишларнинг қай даражада билимли экани билан бевосита боғлиқлигини инобатга олиб, таълим тизимини ривожлантириш масаласига давлат даражасида эътибор қаратилиши ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаси саналади. Янги тахрирдаги Конституциявий қонун лойиҳасида ушбу жиҳатлар аниқ ва батафсил белгилаб қўйилмоқда.

Аслида ҳам, илк маротаба боғча ёшидаги болаларнинг таълим ва тарбияси соҳасидаги давлат қафолатининг конституциявий даражада белгиланиши тарихий воқеяликдир.

Биламиз, бола учун оиладан кейинги биринчи жамоа бу — боғча. Мактабгача таълим сифатли бўлиши инсоннинг бутун ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилдики, натижада болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27,7 фоиздан 72 фоизга, МТТлар сони 5 мингдан 29 мингга етказилди. 2030 йилга қадар мактабгача таълим билан қамров даражасини 80,8 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, боланинг бепул умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқи Конституция даражасида қафолатланмоқда. Хусусан, Конституциявий қонун лойиҳасининг 50-моддасида Ўзбекистондаги ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим олиши мажбурийлиги ва бунинг давлат бепул таъминлаши белгиланмоқда. Бу Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида фуқароларнинг тенглиги, уларнинг турли табақаларга ажралишига йўл қўймайдиган, умумфаровонлик таъминланган жамиятни шакллантиришга замин бўлади.

Бугунги кунда хусусий сектор ҳисобида нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони 300 тага етказилди. Аниқроқ айтганда, 2017 — 2021 йиллар давомида мамлакатимизда нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони деярли 5 баравар кўпайди.

Конституциявий қонун лойиҳасининг ушбу моддасида ўқув муассасаларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминлаиши ҳақида ижтимоий норма киритилмоқда. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар учун инклюзив таълим ташкил этилади. Бу шундай нуқсонларга эга болаларимизнинг яққаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун жуда муҳимдир.

Умуман олганда, сўнгги йиллар давомида мамлакатимизда таълими тизимини тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, жумладан, жамиятда ўқитувчиларнинг нуфузи ва обрўсини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Конституциявий қонун лойиҳасининг 52-моддасига алоҳида тўхталишни истар эдик. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳамда моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига гамҳўрлик кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда педагогларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига барҳам берилиши билан бирга, 2018 — 2022 йилларда 306 517 нафар педагог-ҳодимнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан педагог ҳодимларнинг хизмат вазифаларини бажаришга тўқсунлик қилганлик учун жавобгарлиқни қунайитиришн кўзда тутувчи қонун имзолангани эса соҳа ҳодимлари ҳуқуқларининг устуворлигини янада мустаҳкамлади, десак, муболага бўлмайди. Унга кўра, педагог ҳодимни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар қунайитрилмоқда.

Шу билан бирга, таълим ташкилоти педагог ҳодимларини касбий фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашши ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўқсунлик қилиш учун ҳам маъмурий жавобгарлик қатъийлаштирилди.

Сирасини айтганда, ижтимоий соҳага устуворлик қаратиладиган, фуқароларнинг тенглиги, уларнинг турли табақаларга ажралишига йўл қўймайдиган, умумфаровонлик таъминланган жамият — ижтимоий давлатнинг яққол мисоли. Ижтимоий давлат — инсонпарвар давлат, демакди. Ҳар бир мамлакат эркин ва фаровон жамият қуришга интилар экан, бу йўлдаги улуғвор мақсад ҳамда вазифаларини, аввало, Конституциясида мустаҳкамлайди. Зеро, унда мамлакатнинг ўз олдига қўйган улкан марралари, инсон ҳуқуқ ҳамда демократия тамойиллари ўз ифодасини топади.

Азамат КАМОЛОВ,
Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлигининг
Таълим ташкилотларида тарбиявий ишларни
мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги
ўринбосари,
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD).

ТИББИЁТИМИЗДА ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИ

Инсон манфаатлари деганда, аввало, инсоннинг саломатли-ги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилади. Зеро, тиббиёт илмининг асосчиси, буюк ал-лома Абу Али ибн Сино бобомиз айтганидек, одамлар дардига дармон бўлмоқ — эзгулик ва олижанобликнинг юксак намунаси.

Шу маънода, халқ саломатлиги ва соғлом миллат генофонди ҳар бир давлатнинг муҳим бойлиги саналади. Мамлакатимизда ҳам аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз соғлиқни сақ-лаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохот-лар ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Нуктаи назар

Хусусан, сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи тизимини ислох қилиш, тиббий хизматлар қўлми ва сифатини ошириш, фармацевтика тар-моғини янада ривожлантиришга йўнал-тирилган ишлар замирида халқ сало-матлигига қаратилган эътибор ва гамҳўрлигини англаш, хис этиш му-кин. Тиббиёт соҳаси раванқи жараё-нида, аввало, бу борадаги мавжуд му-носабат ва ёндашувларни тубдан ўзгартриб, “инсон — жамият — дав-лат” тамоилиини ҳаётга жорий қилиш устуворлик касб этмоқда.

Шу мақсадда тиббиётнинг бирлам-чи бўлигини қунайитириш, айнқса, қишлоқ ва маҳалаларда тиббий хиз-матни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга алоҳида аҳамият қаратиляп-ти. Масалан, биргина 2022 йилда жой-ларда 100 дан зиёд оилавий шифо-корлик пункти, поликлиникалар ҳамда олис ва чекка ҳудудларда 1000 дан ортиқ маҳалла тиббиёт пунктлари таш-кил этилди. Натижада қўшимча равиш-да яна 3,5 миллион аҳолини бирламчи тиббий хизмат билан қамраб олишга эришилди. Оилавий шифокорлар томо-нидан аҳолига бепул тарқатиладиган 70 хилдаги дори-дармонлар учун маб-лағлар ҳажми ўтган йилдагига нисба-тан 3 баравар оширилди.

Оилавий поликлиникаларда кундуз-ги даволаш ўринлари тўйўга қўйилиши натижасида 740 минг киши шифохона-га бормасдан, бевосита ўзи истоки-ком қилаётган маҳаллада муолажа олиш имкониятига эга бўлди. Мамлакат-мизда хусусий тиббиёт муассасала-рини ривожлантириш мақсадидида ушбу клиникаларга солиқ ва божхона им-тиёзлари берилиб, мажбурий туристик йиғимлар бекор қилинди ҳамда давлат маблаглари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатишга рухсат этилди.

Саломатлик посбонларининг оғир ва масъулиятли меҳнатини муносиб

қадрлаш, уларнинг ўз касбидан ман-фаатдорлигини ошириш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътибор мар-казида. Соҳа ҳодимларининг ойлнк ма-сули 30 фоизгача оширилиб, иш са-мардорлиги ва натижасига қараб та-бақалаштирилган рағбатлантириш ҳамда устама тўловлари жорий қилин-гани ҳам бу йўлдаги муҳим қадам бўлганини қайд этиш лозим.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг со-ғлом ва узоқ умр кечириши унинг уз-вий ҳуқуқидир. Бунинг учун эса давлат томонидан аҳолига замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш, тиббиёт билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги Конституци-яда “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”, деб белгилаб қўйилган. Аммо бугунги шиддатли давр ушбу моддани кенгай-тириб, тўғридан-тўғри қўлланадиган ҳуқуқий асослар билан бойитишни та-қозо этмоқда. Бу эса Бош қорумсими-да инсон соғлигини сақлашга оид кон-ституциявий қафолатларни янада қу-чайитиришга доир нормалар ўз ифода-сини топиши лозимлигини англатади.

Шу жиҳатдан, Конституциявий қонун лойиҳасининг 48-моддасида ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга-лиги, Ўзбекистон Республикаси фуқа-ролари тиббий ёрдамнинг қафолатлан-ган ҳаҳмини қонунда белгиланган тар-тибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бу шуни аналтадики, бундан кейин ҳам мамлакатимизда давлат соғлиқни сақ-лаш тизимларини ривожлантириш, са-нитария-эпидемиологик осойишталиқни таъминлаш, тиббий суғуртанинг турли шакллари раванқи учун зарур шарт-шар-оит яратати. Яъни фуқаролар керакли пайларда сифатли тиббий хизмат учун давлатга суяна олиши алоҳида аҳами-

ятга эга. Шу сабабли Конституцияда фуқаролар давлат ҳисобидан тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмини олишга ҳақли эканлиги белгиланмоқда. Бу жуда муҳим ижтимоий қафолатдир. Чунки аҳолининг айрим қатламлари пул-ли асосда ёки хусусий шифохоналар хиз-матидан фойдаланишга имконияти ет-маслиги мумкин. Ана шундай вазиятда давлат ўз фуқаросини қафолатланган тиббий хизмат билан таъминлаш маж-буриятини ўз зиммасига олиши керак. Конституциядан ўрин олаётган ушбу модда айнан мазкур жиҳатларни кўзда тутди.

Эътиборлиси, янги тахрирдаги Кон-ституцияда аҳоли саломатлигини асра-ш билан боғлиқ нормалар 4 баро-бар кўпаймоқда. Тўғри, аввалги Кон-ституцияда ҳам бепул тиббий хизмат-дан фойдаланиш, барча аҳоли қатла-ми учун тенг ҳуқуқлар берилган. Аммо бу ҳар доим ҳам қонқирайи бўлмай, марадорлиги ва натижасига қараб та-бақалаштирилган рағбатлантириш ҳамда устама тўловлари жорий қилин-гани ҳам бу йўлдаги муҳим қадам бўлганини қайд этиш лозим.

Одатда давлат томонидан қафолат-ланган тиббий хизмат кўрсатиш, би-ринчи навбатда, профилактика чора-лар, тез ва шошилиш ёрдам, бир-ламчи тиббий-санитария ёрдами ҳамда тиббий текширувларни ўз ичига ола-ди. Мураккаб жарроҳлик амалиётлари, онкологик касалликлар, томир орқали бажариладиган интервенцион опера-циялар, трансплантация, интенсив да-волаш талаб қиладиган бошқа турда-ги касалликлар ҳақида гап кетганда, пулли хизматлар ишга тушарди. Бу бор ҳақида билан дунёда шундай. Ривож-ланган давлатлар тиббиёти нархи эса мамлакатимиздагидан бир неча маро-таба қимматлигини кўрганимиз.

Бугун хусусий клиникалар ҳам да-во истаб келганлар билан гавжумлигини кўриш мумкин. Чунки барчага яхши аён, бепул тиббий хизмат билан ҳамма ка-саллиқни қамраб олиб бўлмайди ва даволашнинг имконияти йўқ. Айнан мана шу вақтда ҳақли савол туғилди: ўша вақтда сўралган пулли тўлашга қурби етмайдиган аҳоли қатлами нима қилиши керак? Илоҳисиз вазиятдан қандай чиқиб мумкин? Бундай пайтда энг қулай йўл — тиббий суғурта хиз-матининг йўлга қўйилишидир.

Хориқдаги тиббиётнинг қимматлиги ҳақида гапирдик. Аммо одатда бу аҳоли учун ортиқча бошорик тугдирмайди. Чў-ки барча зарур ҳаракатлар беморнинг тиббий суғуртаси орқали, суғурта ком-панисини томонидан қўлланади. Бемор суғурта учун тўлаган пули (ойма-ой ёки бошқа кўринишдаги тўловлари) эвазига шифохона ҳаражатларини тўлиқ (баъзи-



Ахзам МҲАММАДОВ олган сурат.

да қисман) қоплай олиши мумкин.

Ўзбекистонда бу тизим мавжуд бўлмаган ва синов тариқасида Сир-дарё вилоятида синаб кўрилди. Бу ижо-бий самара бергани боис тизим бо-шқа ҳудудларда ҳам қўлланиладиган бўлди. Эндиклида мазкур ҳолатни яна-лар мустаҳкамлаш мақсадидида Ўзбекис-тон Республикаси Конституциясига ки-ритилаётган ўзгаришларда ҳам “тиб-бий суғурта” тушунчаси ўрин олмақда. Ҳаётий тажрибадан маълум, ҳар ким ҳам зарур даволашни муолажаларини молиявий жиҳатдан таъминлаш имко-ниятига эга бўлмайди. Ана шундай ва-зиятда тиббий суғурта унга қўмакка келади ва сифатли тиббий муолажа-лар олиши ҳамда бошқа ҳаражатлар қоплаб берилиши орқали беморлар-нинг жонига оро кирди.

Мазкур масаланинг Конституция да-ражасига қўтарилиши — аҳоли са-ломатлиги миллий манфаатларимизнинг муҳим таркибий қисми эканлигини бил-диради. Қолаверса, давлат тиббиёт со-ҳасига оид энг муҳим вазифаларни ўз зиммасига олаётгани оналар ва бо-лалар ўли

